O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2004 йил 12 ноябрь, № 234 (3509) Жума

**26 декабрь**
**Халқ. Демократия. Сайловлар**

## САЙЛОВЛАР ОЧИҚ, ОШКОРА, АДОЛАТЛИ ВА ДЕМОКРАТИК РУҲДА ЎТАДИ

***Мамлакатимизда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир — сайлов кампанияси қизғин давом этмоқда. Яқин кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумот матбуотда эълон қилинади. Шундан сўнг сайлов кампаниясининг навбатдаги муҳим босқичи — сайловолди ташвиқоти бошланади.***

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликда белгиланганидек, номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида, рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотни матбуотда эълон қилиш эса депутат рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида амалга оширилади. Депутатликка номзод Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан сайловолди кампанияси бошланади ва у сайловга бир кун қолгунига қадар давом этади.

Сайловолди ташвиқоти — сиёсий партиялар, фуқаролар, депутатликка номзодларнинг сайловда қатнашишга даъват этувчи ёки даъват этиш мақсадини кўзлаган ҳамда у ёки бошқа депутатликка номзодни ёқлаб ёки унга қарши овоз беришга қаратилган фаолиятидир. Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг шакли, усуллари ва мазмунини мустақил белгилайдилар.

Сайловолди ташвиқотини юритишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолликка йўл қўйилмайди. Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Сайлов тўғрисидаги қонунларимизда сайловолди ташвиқоти ўтказишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи бир қатор қоидалар белгилаб қўйилган. Қонунга кўра, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 18 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги Низом худди шу масала ечимига қаратилган. Яъни "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу Низом Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси пайтида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартибини белгилайди.

Низомда қайд этилган қоидалар таҳлилига киришишдан олдин оммавий ахборот воситалари ва уларнинг турларига қисқача таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки Низомда оммавий ахборот воситаларининг сайловолди ташвиқоти жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилгани баробарида, уларнинг давлатга қарашли, маҳаллий ва нодавлат турлари томонидан сайловолди кампанияси қандай тартибда ёритилиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунда таъриф берилганидек, "Оммавий ахборот воситалари" деганда газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар тушунилади.

Давлат оммавий ахборот воситалари — давлат томонидан таъсис этилган ёки муайян давлат улуши ва давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларидир. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари — маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан таъсис этилган ёки уларнинг улуши бўлган ва маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари, демакдир. Нодавлат оммавий ахборот воситалари сирасига эса нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, хусусий шахслар томонидан таъсис этилган ва уларнинг маблағлари ҳисобидан фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари киради.

Оммавий ахборот воситалари сайлов иштирокчиларига сайловолди ташвиқоти

(Давоми 2-бетда).




*Айни кунларда мамлакатимиз муҳим сиёсий тадбир арафасида турибди. Бу 26 декабрь куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлардир. Ўтаётган ҳар бир кун сизу бизни сайловга яқинлаштиргани сайин уни фаоллик билан ўтказиш учун кўрилаётган тайёргарлик ишлари ҳам қизғин тусга кириб бормоқда. Ҳозирги пайтда сайлов участкаларининг аксарияти ташкил этилди. У ерларда барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, сайловга оид қонунлар, қўлланмалар ташриф буюрганларнинг сайлов ҳақида етарли маълумот олиши учун имкон яратади.*

*Айниқса, сайлов округлари ва участкаларида сайловчилар бурчаги ташкил этилаётгани таҳсинга сазовор. Чунки бундай қулайлик фақат сайловчилар учун қўл келиб қолмай, балки сайлов комиссиялари фаолияти учун анча енгиллик туғдиради.*

**СУРАТДА: пойтахтнинг 7-Дўмбиробод сайлов округи ҳудудидаги 423-сайлов участкаси раиси муовини Наргиза Яминова (ўнгда) котиба Мавлуда Аъзамова ва аъзо Шаҳноза Валиева билан навбатдаги ишларни режалаштирмоқда.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

## Талабалар фаоллашмоқда

*Кеча Тошкент давлат юридик институтида "Мен биринчи марта овоз бераман: ҳуқуқ ва мажбуриятларим" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.*

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ҳамда институт раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда пойтахтимиздаги 29 та олий ўқув юрти талаба-ёшлари ҳамда мамлакатимиздаги бешта сиёсий партия вакиллари (Тошкент шаҳар бўйича) иштирок этишди.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири юртимизнинг тинчлиги, барқарорлиги, аҳоли турмуш даражасининг ошиши учун хизмат қилишдир. Дастурларидаги ана шу вазифалар туфайли ҳам партиялар сиёсат майдонида ўз ўринларига эга бўлишди. Худди шу хусусда фикр билдирган вакиллар ўз партияларининг бугунги кунда олиб бораётган фаолиятлари ҳамда келажак режалари билан ёшларни таништирди.

Учрашув чоғида таъкидланганидек, ҳар бир ёш биров учун эмас, ўз келажаги учун ўзи овоз бериши лозим. Чунки сайловчиларнинг 40 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бўлажак сайловнинг адолатли ўтиши кўп томонлама уларга боғлиқ.

Партия вакиллари талаба-ёшларнинг саволларига жавоб берар экан, ёшларнинг фаоллигидан кўнгиллари тўлганлигини очиқ айтиб ўтишди. Зеро, кўпфикрлилик, баҳс-мунозара бор жойда ўзимизга, келажагимизга ишонч пайдо бўлади.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Тўсиқлар барҳам топади

Маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнида баъзан бюрократик тўсиқлар мавжудлиги ва идоравий ҳужжатларда унинг босқичлари қатъий регламент билан белгиланмаганлиги тадбиркорларга мураккаблик туғдириб келарди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 318-сонли қарори турли тўсиқларга барҳам берди. Мисол учун, қарорнинг 2-иловасига кўра, мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотлар рўйхати 30,1 фоизга қисқарди.

Таъкидлаш жоизки, жойларда фаолият юритаётган айрим тадбиркорлар ушбу қарор моҳиятидан тўла хабардор эмаслиги ҳолатлари учраб турибди. Бу ўз ўрнида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва назорат қилувчи, шунингдек, истеъмолчи ўртасида турли тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

"Ўзстандарт" агентлиги ва Синовдан ўтказиш ва сертификатлаштириш республика маркази томонидан ташкиллаштирилган «Давра суҳбати»да ушбу қарор ижроси ва тадбиркорлик фаолиятида учраётган муаммолар хусусида сўз юритилди. Шунингдек, тадбирда мувофиқлик ҳамда гигиеник сертификатини расмийлаштириш, уларни олиш, назорат қилувчи органларга тақдим этиш қоидалари билан боғлиқ масалалар бўйича соҳа мутахассислари тадбиркорларнинг саволларига жавоб бердилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЯНГИ КИТОБЛАР



***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси миллий сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асосларини кенг тарғиб қилиш, сайловларни очиқ ва ошкора ўтказишни таъминлаш мақсадида жорий йилда йигирмага яқин сиёсий адабиётни нашрдан чиқарди.***

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" (янги таҳрири), "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга ўзбек, рус ҳамда инглиз тилида чоп этилди. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонун, Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари ўзбек ҳамда рус тилларида нашр қилинди.

"Кузатувчи қўлланмаси" ("Памятка для наблюдателя") саҳифаларида эса кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, фаолиятини тартибга солувчи сайлов қонунчилигининг асосий қоидалари берилган. Қўлланмада сайловда овоз беришнинг ўтказилиши, сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаб чиқиш, овоз бериш якунлари тўғрисида сайлов комиссияларининг баённомаларини тузиш устидан жамоатчилик назоратини қандай ташкил этиш масалалари атрофлича ўз аксини топган.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан кўп минг нусхада чоп этилган ушбу китоблар сайловнинг кўп сонли қатнашчиларига — сайловчилар, кузатувчилар, сайлов комиссиялари аъзолари, депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва сайлов қонунчилиги билан қизиқадиган барча ўқувчиларга мўлжалланган.

**Лазиз РАҲМАТОВ, ЎзА мухбири.**



## Биринчи халқаро автокўргазма

*Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган "AutoMotopShow-2004" 1-ўзбек халқаро автомобиль кўргазмаси иш бошлади. Ушбу тадбир ITE Group Pic ҳамда ITE Uzbekistan компаниялари томонидан ташкил этилган бўлиб, "Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик жамияти, республика Савдо-саноат палатаси, шунингдек, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси расмий кўмагида ўтказилмоқда.*

Кўргазмада намойиш этилаётган 30 дан зиёд компаниялар маҳсулотларининг 35 фоизи Россия, 15 фоизи Ўзбекистон, 50 фоизи эса Германия, Беларусь, Украина, Қозоғистон, Польша, Туркия, Эрон мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Кўргазма павильонларидан жой олган турли русумдаги автомобиль, автобус, махсус автомобиль, прицеп, асбоб-ускуна, мотор, эҳтиёт қисм, жиҳоз, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, шина ва резина, электроника, шунингдек, аккумулятор батареялари ва куч олувчи ускуналар ўта замонавийлиги билан ҳар қандай томошабинни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, Асакадаги "ЎзДЭУавто" ҳамда Самарқанддаги "СамКочавто" маҳсулотлари кўргазмага ташриф буюраётганлар эътиборини тортмоқда.

Кўргазма ташкилотчиларининг маълум қилишича, "AutoMotorShow-2004» 1-ўзбек халқаро кўргазмаси Буюк Британиянинг ITE Group Pic компанияси томонидан дунё бўйича ўтказиладиган автомобиль кўргазмалари туркумига киради. Мазкур компания жаҳоннинг 25 та яқин мамлакатида ўз лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ф.Мухаметшин қатнашди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**



**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

**Озод ва обод келажак учун овоз берайлик**

26 декабрь

Халқ. Демократия. Сайловлар

# САЙЛОВЛАР ОЧИҚ, ОШКОРА, АДОЛАТЛИ ВА ДЕМОКРАТИК РУҲДА ЎТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўтказиш учун тенг шарт-шароит яратадилар. Хусусан, даврий матбуот нашрлари депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига тенг миқдорда босма майдони, бир хил жой, бир хил шрифт ва бошқа тегишли шароитлар яратишлари керак. Низомда оммавий ахборот воситалари ўзлари ажратадиган эфир вақти ва босма майдонини ҳисобга олиб боришлари шартлиги ҳам белгилаб қўйилган. Улар бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ахборот тақдим қиладилар.

Давлат оммавий ахборот воситаларининг эфир вақти, босма майдони депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига текин ажратилади. Ҳар бир давлат телевидениеси ва радиоэшиттириш ташкилоти томонидан депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ажратиладиган текин эфир вақтининг умумий миқдори ҳафтасига 40 минутни ташкил қилади. Давлат телевидениеси ва радиоэшиттиришларида ажратиладиган текин эфир муддати энг кўп томошабинлар ёхуд тингловчилар йиғиладиган вақтга тўғри келиши лозим. Ундан депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакилларининг сиёсий дебатларини ўтказиш учун фойдаланиш мумкин.

Низомда ана шу чиқишларнинг кетма-кетлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан қуръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида белгиланиши мумкинлиги қайд этилган. Шу асосда Марказий сайлов комиссияси 2004 йил 8 ноябрда қабул қилган қарорида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг барча давлат оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо бўйича амалга оширилиши ҳақида тўхтамга келди.

Қарорга биноан, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг маҳаллий органлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида чиқишлари навбати ҳам улар ташвиқот олиб бораётган ҳудудда маҳаллий давлат телевидениеси, радиоси ва даврий матбуот нашрларида алифбо тартибида амалга оширилади. Бу тартиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, мамлакатимиз ҳудудидаги барча оммавий ахборот воситаларига нисбатан жорий этилади.

Давлат даврий матбуот нашрлари томонидан ҳар ҳафтада депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун текин ажратиладиган энг минимал босма майдон умумий ҳафталик босма майдонининг камида 10 фоизини ташкил қилиши керак. Текин ажратиладиган босма майдони умумий миқдори рўйхатга олинган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг сайловолди кампанияси даврида эфирга чиқишлари бўйича ҳафталик жадвални, шунингдек, уларнинг сайловолди ташвиқоти материаллари учун ажратиладиган босма майдони ва нашр қилиш жадвалини тасдиқлади.

Депутатликка номзодларга маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мазкур Низомда белгиланган миқдор ва ҳажмда текин чиқиш ҳуқуқи берилади. Шуни таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти учун муайян депутатликка номзодга, сиёсий партияга ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳига ажратилган текин эфир вақти ёки босма майдонидан бошқа депутатликка номзод, сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи фойдаланиши мумкин эмас. Албатта, номзоднинг ўз сиёсий партиясидан бошқа номзод учун ташвиқоти бундан мустасно.

Кези келганда эфир вақти, босма майдони тақдим этишда оммавий ахборот воситаларига қўйиладиган қонуний талаблар ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Биринчи навбатда оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Хусусан, оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари ишончли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, депутатликка номзоднинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатишдан ўзларини тийишлари зарур.

Мақола эълон қилиш натижасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган депутатликка номзод мазкур оммавий ахборот воситасида раддия эълон қилишга ҳақлидир. Раддия ёки жавоб мазкур рукн остида ёхуд жавоб пайдо бўлишига сабаб бўлган материал жойлашган ўша саҳифада эълон қилиниши керак. Телевидение, радиоэшиттириш таҳририяти олган раддия, жавоб ўша дастур ёки кўрсатув (эшиттириш)лар туркумида эфирга узатилади. Агар асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнининг ҳажми ва узатиш вақти оммавий ахборот воситасининг фаолиятига путур етказмаса, уни таҳрир қилишга йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қилмаса ёхуд эълон қилишнинг белгиланган муддатини бузса, депутатликка номзод судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли.

Телевидение ва радионинг ахборот дастурларида, матбуот нашрларида сайловолди тадбирлари ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ахборот блоки билан берилиши ҳамда уларда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун ажратиладиган эфир вақти ва босма майдони ҳажми тенг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим қилган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг розилигисиз таҳрир қилиниши мумкин эмас. Сайловолди ташвиқоти материалларини эълон қиладиган даврий матбуот нашрларининг таҳририятлари бирор-бир депутатликка номзодга, сиёсий партияга ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳига нашр тиражи ёки даврийлигини ўзгартириш йўли билан устунлик беришга ҳақли эмас.

Оммавий ахборот воситасининг ходими депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган тақдирда у сайловчилар билан учрашувлар, сайловолди йиғилишларида, телевидение ва радиода чиқишлар ўтказиш даврида сайлов ўтказишга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилади.

Сайлов кампанияси пайтида муассислари (кузатув кенгашлари ва бошқа органларнинг аъзолари) тегишинча сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бўлган компаниялар, ташкилотларнинг хайрия фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилмайди. Янада аниқроқ айтганда, сайловолди ташвиқотини хайрия фаолияти билан бирга қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси пайтида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқоти ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Бу галги сайлов кампаниясининг муҳим янгиликларидан бири – сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситалари имкониятидан нафақат бепул, шу билан бирга, пулли асосда фойдаланиш тартиби илк бор жорий этилаётганидир. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ равишда оммавий ахборот воситаларининг ҳақ тўланадиган эфир вақти, босма майдонидан фойдаланишни тартибга солувчи бир қатор қоидалар кўзда тутилган.

Аввало, давлат оммавий ахборот воситаларида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдони ажратилиши мумкин. Ҳақ тўланадиган эфир вақти миқдори ёки босма майдонининг ҳажми сайловолди ташвиқоти учун текин ажратилган эфир вақти ёки босма майдони миқдоридан ошмаслиги керак.

Нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳақ тўланадиган эфир вақти, босма майдони ажратишлари мумкин. Сайлов кампаниясида иштирок этадиган оммавий ахборот воситалари томонидан ажратиладиган эфир вақти, босма майдони учун ҳақ тўлаш шартлари ва бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун тенг ва бир хил бўлиши даркор.

Бунда кўрсатилаётган ахборот хизматларига ҳақ тўлаш тарифлари оммавий ахборот воситалари томонидан мустақил белгиланади. Сиёсий партиялардан номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ташвиқот тадбирлари олиб борганликлари учун маблағлар белгиланган тартибда сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан номзодларнинг ташвиқот фаолияти учун — тегишли округ сайлов комиссияларига Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Эфир вақти ёки босма майдони берилганлиги учун ҳақ тўлаш сиёсий партия ёки округ сайлов комиссиясининг тегишли ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдони ажратиш билан боғлиқ муносабатлар оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва тегишли сиёсий партиялар, округ сайлов комиссиялари (сайловчилар ташаббускор гуруҳидан депутатликка номзодларнинг манфаатларида) ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Модомики, гап молиялаштириш масалаларига келиб тақалган экан, сайловни молиялаштиришнинг умумий тартибқоидалари хусусида ҳам тўхталсак.

Миллий қонунчиликда Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Шу билан бирга, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Яқинда Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Йўриқнома тасдиқланди. Марказий сайлов комиссиясига, округ ва участка сайлов комиссияларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига нисбатан татбиқ этиладиган ушбу ҳужжат "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар талаблари доирасида ишлаб чиқилган.

Йўриқномага мувофиқ, сайлов кампаниясини ўтказиш даврида молиялаштириш, биринчидан, марказлаштирилган харажатлар бўйича, шу жумладан, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш — Марказий сайлов комиссияси томонидан, иккинчидан, округ ва участка сайлов комиссияларининг Олий Мажлисга сайлов билан боғлиқ харажатлари – округ сайлов комиссиялари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бухгалтериялари орқали амалга оширилади.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун давлат маблағлари шу партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгиланган тартибда ўтказилади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

— сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга;

— Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида округ бўйича чиқишларини ташкил этишга;

— Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

— Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

— сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

Сайлов учун маблағларни қўйиш ва сарфлаш учун тегишли хизмат кўрсатадиган банкларда давлат бюджети даромадлари ва харажатларини таснифлаш 233-бўлими бўйича 23404-ҳисоб рақамлари (Республика бўйсунувидаги бюджет муассасалари маблағлари), биринчидан, Марказий сайлов комиссиясига, иккинчидан, сиёсий партияларга, мазкур партиядан Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда, учинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига ва ниҳоят, тўртинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига очилади.

Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағларни сарфлаш Марказий сайлов комиссияси қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган мақсадларга сарфланади.

Харажатларнинг ҳақини тўлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари бухгалтерияларига хизмат кўрсатадиган банкларга вилоятдаги тегишли округ сайлов комиссиясининг қарори асосида тегишли округ сайлов комиссияси раиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимликнинг бош бухгалтери томонидан имзоланган тўлов топшириқлари тақдим этилади. Ушбу мақсадлар учун округ сайлов комиссиялари томонидан тегишли ҳокимликларга хизмат кўрсатадиган банкларга белгиланган тартибда округ сайлов комиссиялари раисларининг имзоси намуналари ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг комиссия шахсий таркиби бўйича қарорининг нусхаси тақдим этилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш вақтида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилган сайлов комиссияларининг аъзоларига ўртача иш ҳақи тўлаш сайлов комиссиясининг қарори асосида комиссия аъзосининг асосий иш жойидан хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифасини бажаришдан ўртача иш ҳақини кўрсатган ҳолда озод этиш тўғрисидаги буйруғининг нусхаси тақдим этилган тақдирдагина амалга оширилади.

Агар сайлов натижаларига кўра сиёсий партия фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштиришга ажратилган маблағларни сайлов натижалари эътироф қилинганидан сўнг уч ой мобайнида Марказий сайлов комиссиясига қайтариши, Марказий сайлов комиссияси эса бир банк куни мобайнида маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг республика бюджети ҳисоб рақамига қайтариб бериши керак.

Йўриқномада сайловга ажратилган маблағлар келиб тушишини ҳисобга олиш ва маблағларнинг сайловга сарфланиши борасида ҳисобдорлик ҳам назарда тутилган. Жумладан, давлат бюджети маблағлари сайловга сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот сайлов натижалари эътироф этилгани эълон қилинганидан сўнг:

— Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига алоҳида сайлов билан боғлиқ марказлаштирилган харажатлар ва сиёсий партияларнинг сайлов борасидаги харажатлари бўйича 30 кундан кечиктирмасдан;

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бухгалтериялари томонидан тегишли ҳудуддаги ҳар бир округ миқёсида округ сайлов комиссиялари бўйича жамлама ҳисобот Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига 25 кундан кечиктирмасдан;

— сиёсий партиялар томонидан сайлов билан боғлиқ харажатларга ажратилган маблағлар бўйича — Марказий сайлов комиссияси 20 кундан кечиктирмасдан тақдим қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг 30 кундан кечиктирмасдан жамлама ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборадилар.

Олий Мажлисга сайлов ўтказиш харажатлари учун бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисоби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли бухгалтериялари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош тафтишназорат бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар. Тегишли сайлов комиссиялари раислари эса маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва улар юзасидан ўз вақтида ҳисобот тақдим қилиш учун масъулдирлар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сайловларга кенг кўламли ва пухта ҳуқуқий-ташкилий тайёргарлик кўрилгани юқоридаги мисоллардан ҳам яққол аён бўлиб турибди. Бундан кўзланган асосий мақсад — бўлажак сайловларнинг очиқ ва ошкора, тенглик ва адолат асосида, демократия руҳида ўтишини таъминлашдан иборатдир. Зеро, олдимизда турган сайловлар юртимизда демократияни ривожлантиришда мутлақо янги даврни бошлаб беради ва ижтимоий тараққиётимизнинг янада юксалиши учун қулай шарт-шароит яратади.

Энг муҳими, бу сайловлар Ватанимиз буюк келажагини барпо этиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, эл-юрт тинчлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш, жаҳонаро обрў-эътиборимизни янада юксалтириш, демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдек эзгу мақсад-муддаоларимизни рўёбга чиқариш йўлида қўйилган залворли қадам сифатида тарих саҳифаларида абадий муҳрланиб қолажак.

**Бўритош МУСТАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси.**



## Фаластин етакчиси вафот этди

Фаластин етакчиси Ёсир Арофат 75 ёшида Париждаги Перси ҳарбий госпиталида оламдан ўтди. Сўнгги дақиқаларда Арофатнинг соғлиғи халқаро ҳамжамият эътиборида турди.

— Бугун мамлакат тарихида энг қора кун ва биз давлатимиз раҳбарининг ўлимидан қаттиқ қайғудамиз, — деди Фаластин бошқарув вазири Саэб Эрекат.

Ёсир Арофатнинг ўлими ҳақидаги хабар тарқалгандан сўнг дунёнинг кўплаб давлатлари раҳбарлари Фаластин халқига ўз ҳамдардликларини билдиришди. Улар орасида АҚШ Президенти Жорж Буш, Россия Президенти Владимир Путин ва Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр бор.

Бугун Миср пойтахти Қоҳирада Арофат билан хайрлашув маросими бўлиб ўтади. Шундан сўнг унинг жасади дафн этиш учун Рамаллоҳга келтирилади. Бу тадбирда араб дунёси етакчиларидан кимлар иштирок этиши ҳозирча маълум эмас. Уни Қуддусга кўмишга Исроил қаршилик билдирмоқда.

Ёсир Арофат Фаластин Озодлик Ташкилотига қирқ йил етакчилик қилди. Қонунга кўра, унинг ўлимидан сўнг 60 кун мобайнида Фаластин парламенти раиси Рави Фатух давлатни бошқариб туради. У кеча эрталаб Рамаллоҳда қасамёд қилди.

Ёсир Арофат умрининг охирги йилларида Фаластин озодлик ҳаракатининг рамзига айланганди. Уни дунё аҳли фаластинликларга босим ўтказишга йўл бермай келган ва халқаро ҳамжамият эътиборини Яқин Шарқ муаммосига қаратиб турган яккаю ягона шахс сифатида билишади.

Ёсир Арофат 1929 йилда туғилган эди. Унинг тўлиқ исми — Муҳаммад Абдурރауф Арофат ал-Кудваҳ ал-Ҳусайний. Ёсир исмини у кейин олган.

У 1956 йили ўзи ташкил этган ФАТҲ ҳаракатини умрининг охиригача бошқариб келди. 1989 йили Фаластин давлати Президенти лавозимини эгаллади. 1993 йилда Фаластин мухторияти раҳбари бўлди.

Ёсир Арофатга Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлидаги хизматлари учун 1994 йили Нобель мукофоти берилган эди..

Ёсир Арофатнинг ўлими араб дунёсида катта йўқотиш сифатида баҳоланмоқда.



Бир хат изидан

***«Бизларни Света Когай исмли аёл лақиллатиб, бошпанасиз қолдирганидан куйиб юрибмиз. Юзлаб одамларга жабр кўрсатган бу аёл кимнинг эркаси бўлади? Ўн йилдирки, Тошкент шаҳри ва вилоятида яшовчи фуқароларни алдаб, уларнинг уйини ўзиники қилиб олган лўттибознинг ҳаракати доимо қонуний ҳисобланади. Наҳотки, бир фирибгар ҳаммани чув тушириб юрса...»***

***Саккиз нафар фуқаро имзо чеккан шикоят хатидаги бу сатрлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Шу боис арзномада айтилган ҳолатни ўрганмоққа киришдик. Аввало, аризагўйлар тақдим этган ҳужжатларга эътибор қаратдик.***

## Қарз

Қўлимизда Тошкент шаҳридаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари чиқарган ҳал қилув қарорлари турибди. Уларга бирма-бир кўз югуртирамиз. Миробод, Яккасарой, Юнусобод, Собир Раҳимов, Мирзо Улуғбек туманларида кўрилган ўнлаб ишларда даъвогар битта. Даъво ҳам бир хил бўлиб, у фақат уй-жойга қаратилган. Ва охир-оқибатда даъвогар ҳар гал «сотиб олган» уйини судлашиб қўлга киритган.

Хўш, нега шундай?

Ишонувчан бўлиш, соддадиллик инсонга хос фазилатлардан биридир. Минг афсуски, бундан ўзининг ғаразли мақсадларида фойдаланадиганлар ҳам бор.

Ишбилармонларга кенг йўл очилиб, ҳамма ўз имкониятини синаб кўрмоқчи бўлган бир пайтда Света Когай ҳам «савоб» ишга қўл уради. У ҳар хил газеталарга мунтазам равишда эълон бериб, кўчмас мулкни гаровга қўйиш эвазига қарз беришини маълум қилаверади.

Ўша кунлари Бахтиёр Юсуповга таниши Нуриддин Фахриддинов бирга тадбиркорлик билан шуғулланишни таклиф қилади. Шундан кейин улар Шайхонтоҳур тумани, «Гулобод» мавзесидаги Юсуповларга тегишли хонадонни гаровга қўйиб, банкдан кредит олишга ҳужжат тайёрлайдилар. Лекин банкда пул бўлмаганлиги сабабли, иш пайсалга солинаверади. Шунда Нуриддин ўз таклифини айтади:

— Пул берадиган бир танишим бор. Фақат у уй-жойни гаровга эмас, балки «олди-сотди» шартномаси эвазига қарз беради. Иш юришса, қарздан қутилиб кетасан, даромадинг фойдага қолади.

Ўзича тегирмон олиб, тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган Юсуповга бу таклиф маъқул тушади. Шундан кейин илинж билан Когайнинг олдига боради. Маълум бир муддатли музокарадан кейин битимга келадилар. Яъни Когай Юсуповга 2 минг АҚШ доллари миқдорида, ҳар ойига ўн фоиздан устама тўлаб туриш шарти билан қарз берадиган бўлади. Қарзни қайтариш учун «гарантия» масаласига келганда «ҳожатбарор» аёл ўнғай йўлни танлайди:

— Майли, қарз бераман. Уй-жойни гаровга қўйиш эвазига эмас, «олди-сотди» шартномаси тузиш ҳисобига. Қарзни қайтарган куни уйингиз ўзингизга буюрсин.

Когайнинг бу таклифини ўртага тушган Нуриддин Фахриддинов ҳам қўллаб-қувватлайди. Хуллас, бошланган савоб яхшилик билан тугашига Бахтиёр Юсупов ишонади. Ишлари юришиб кетса, тез кунда қарзидан қутилишига умид билдиради. Ва шу мақсадда 1-гуруҳ ногирони бўлмиш онасига тегишли «Гулобод» мавзеси, 38-уй, 15-хонадон 2001 йил 22 май куни С. Когай номига ишонч қоғози орқали «Абдумалик А.А» хусусий нотариал идорасида «олди-сотди» шартномаси тузилиб тасдиқланди. Қарзга олинган икки минг АҚШ доллари эса ун тегирмони келтириши учун Нуриддин Фахриддиновга қўш қўллаб топширилади. Орадан ҳафталар, ойлар, йиллар ўтади. На ускуна, на пул, на Нуриддиндан дарак бўлади. Фирибгарнинг тузоғига илинганини англаган Юсупов бошини чангаллаганича қолаверади.

— Нуриддин қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдирганлигини кеч тушундим, — дейди у. — Моддий томондан синганимдан ўзимга келолмай юрдим. Бу ёқда эса Когай қарзини сўрашга тушиб қолди...

Б. Юсупов иккинчи зарбадан кейин довдираб қолади. Яъни 2001 йилнинг октябрь ойида Когай Юсуповдан «сотиб олган» хонадондан уларни чиқаришларини сўраб Шайхонтоҳур туманлараро судига даъво аризаси киритади...

Яхши ният билан уй-жой қуришни бошлаган Виктор Колесников қурилиш материаллари қиммат бўлганлиги боис маблағдан қийналиб қолади. Қарз сўраб қайси танишининг олдига боришини билмай юрган кезлари қўлига «Частный сектор» газетасининг 2001 йил 31 май, 7 июнь сони тушиб қолади. Унда «кўчмас мулкни гаровга қўйиш эвазига қарз бераман» деган эълон бор эди. У дарров эълонда кўрсатилган телефон рақамига қўнғироқ қилади.

— Кишининг боши қотиб, қийналиб юрган пайтда кўзига ҳеч нарса кўринмас экан, — дейди Виктор. — Ҳожатбарор Когай яхшилик қилаяпти, ўзиям даромад кўраётгани боис унинг «бизнеси» шу экан, деб ўйладим. Кўнглимда азбаройи шубҳа бўлмагани ва муҳтож қолганим боис Когайнинг шартига кўндим. Саккиз фоиз устама бериш эвазига 20 минг АҚШ долларини қарз кўтардим. «Қарзни қайтариб беришингга ишонишим учун уйингга «олди-сотди» шартномаси тузиб қўямиз. Шунда кўнглимиз тинч бўлади» деганини тўғри қабул қилиб, Қибрай тумани, «Байналминал» кўчасидаги уйимни хатлаб бердим. Бегона бир аёл ёрдам бериб турганидан кейин унга ишонасан-да. Афсуски, кейин билсам, у мени чув туширган экан.

Ростдан ҳам шундай бўлди. Виктор Колесников келишувга биноан, ҳар ойда қарзининг устамасини тўлаб келаётган бир пайтда унинг номига суддан чақирув қоғози келади. Борса, Когай уни «олди-сотди» шартномаси тузилган уйдан кўчириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси берган экан...

Биринчи гуруҳ ногирони А. Синько руҳан анча қийналиб қолган маҳал эди. Иккала қўлининг ҳам кафти йўқ бу қария ясама панжа қўйдиришга жуда-жуда муҳтож эди. Тўғри, у тўрт марта буюртма бериб, протез заводидан сунъий қўл олган. Лекин биронтасиям унга тўғри келмаганлигидан изтироб чекарди. Бу ёғи маблағ масаласи ҳам чатоқ. Бироқ қўлсиз яшаш ундан-да азоб. Чорасиз қолган қария «Частный сектор»даги эълонни ўқийди. Ҳожатмандларга қарз берувчини тезда топгиси келади. Пулни олиб, ўзига сунъий қўл ясаттириш илинжида бўлган А. Синько Когайнинг барча шартига рози бўлади. 2001 йил июнь ойида ишбилармон аёлдан уч ой муддатга ўн фоиз устамаси билан бир минг АҚШ доллари олади. Иши юришганидан оғзи қулоғида бўлган чол қарзни қайтаргунга

### Таништирув



***«Халқ сўзи» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича янги мухбири Бўри Норқобилов иш бошлади.***

***У 1947 йилда туғилган. Мутахассислиги — журналист. Узоқ йиллар мобайнида «Қашқадарё» — «Кашкадарья» вилоят газеталарида бош муҳаррир бўлиб ишлаган.***

***Қуйида Бўри Норқобиловнинг фермерлик ҳаракати таҳлилига бағишланган биринчи мақоласи билан танишасиз.***

# Фермерлик

## ҳаракати деҳқонга ва давлатга нималар берди?

Қашқадарё вилоятида ташкил этилган фермер хўжаликларининг бугунги ишларини таҳлил қилар эканман, бундан тўрт-беш йил олдин юз берган бир воқеани эсладим. Яккабоғ туманидаги бир жамоа хўжалигининг раҳбари Абдуғофур Аҳмедов даб-дурустдан раисликни ташлаб, фермер бўлишга аҳд қилса бўладими! Кўпчилик уни бу йўлдан қайтаришга уриниб, насиҳат қилди: «Э, раислигингни қилаверсанг-чи, қанча киши бу лавозимга етолмай юрибди». Бироқ ёш раҳбар айтганидан қайтмади. Бундан кутилмаганда отаси, кекса деҳқон, умр бўйи деҳқончилик билан шуғулланган Дўсман бобо хурсанд бўлиб, уни қўллаб-қувватлади.

— Фермер бўлганинг яхши, ўғлим, — деди у. — Ўзингнинг еринг бўлгандан кейин ишлаш ҳам бошқача бўлади. Давлатимиз ҳам ер эгали бўлсин, деяпти-ку?!

Бироқ Абдуғофур раис Абдуғофур фермерга айлангунча бир йил курашди. Чунки фермерликнинг йўлига тўсиқ бўладиганлар кўп эди ўшанда. Энди эса аҳвол бошқача. Қашқадарё вилоятида биргина 2004 йилда 61 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизида 4799 та фермер хўжалиги тузилди. Ҳар бир раиснинг ўрнига 80 нафар раис пайдо бўлди. Лекин улар одамларга буйруқ берувчилар эмас, балки ер билан тиллашувчи, заминга эгалик қилувчи раислар эди.

Одамларнинг руҳиятидаги, уларнинг ерга ва ишга муносабатларидаги бу ўзгаришлар, табиийки, дастлабки йилиёқ ўзининг самарасини берди. Ўтган йили 61 та ширкат хўжалигида гектар ҳисобига 22,2 центнердан, жами 114,5 минг тонна дон етиштирилиб, бир миллиард 129 миллион сўм зарар кўрилган эди. Фермерлар эса бу йил 145 минг тонна ғалла саранжомлаб, ҳосилдорликни гектарига ўртача 31,2 центнерга етказдилар. Натижада 6 миллиард 227 миллион сўм соф фойда олинди.

Пахтачиликда эришилган натижалар, айниқса, салмоқли бўлмоқда. Хусусан, ширкат хўжаликларининг ўтган йилги ялпи хирмони 79 минг 79 тоннани ташкил этиб, ҳосилдорлик 20,7 центнерга, соф фойда 3 миллиард 773 миллион сўмга етган эди. Бу йил фермер хўжаликлари 119,6 минг тонна пахта тайёрладилар. Ҳосилдорлик 32,1 центнердан, фойда эса 8 миллиард 970 миллион сўмдан ортди.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда фермерлик ҳаракатининг давлатга ҳам, деҳқонга ҳам фойдали эканлигини ҳеч ким инкор этмайди. Қувонарлиси, бир йиллик даромадига рўзғоридан орттириб, қўша-қўша трактор сотиб олаётган фермерлар кўпайиб қолди. Деҳқон бой бўлгандан кейин, албатта, юрт обод, эл фаровон бўлади-да.

— Ўзи бойиб, элни ҳам бойитаётган фермерларимиз кўп, — дейди вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги котибияти мудири Абдуманнон Примов. — Мисол учун, Нишон туманидаги «Хўжаёр ота», Косон туманидаги «Тўлға» ва Орзиқул полвон Шарипов номли, Муборак туманидаги

**Тажриба таҳлил таққос**

«Сиёвуш» каби юзлаб фермер хўжаликларини олиб кўрайлик. Ўшаларнинг тажрибасини ўрганишимиз керак.

Абдуманнон ака тилга олган Косон туманидаги Орзиқул полвон Шарипов номли фермер хўжалигида бўлдик. Бу фермер хўжалиги жорий йилда ғаллачиликдан 9,2 миллион сўм соф фойда олибди. Рентабеллик даражаси 281,3 фоизга етибди. Пахтачиликдан келган соф фойда эса 28,7 миллион сўмни ташкил этаяпти. Чунки ҳосилдорлик гектар бошига 50 центнердан ошган-да!

Бир йилда деҳқончиликдан қарийб 38 миллион сўм соф фойда олаётган деҳқон билан суҳбатлашиш истаги туғилди бизда.

Ҳамроҳимиз, тумандаги «Заргарнинг тонг юлдузи» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси Шавқиддин Умидов билан уни далада учратдик. Фермернинг бунчалик тез топилганидан мамнун бўлган Шавқиддин изоҳ берди:

— Бизда бақувват фермерлар кўп. Уларда трактор ҳам, машина ҳам, ҳатто уяли телефон ҳам бор. Алиқул Шарипов — шулардан бири.

Ҳақиқатан ҳам, Алиқул деҳқончилик илмини чуқур эгаллаган, шу далада меҳнат қилиб, ўсиб-улғайган фермер экан. Шийпонда битта юк машинаси, 2 та чопиқ трактори турибди. Битта ҳайдов трактори эса пахтаси териб олинган майдонни шудгор қилаяпти. Хуллас, деҳқон учун зарур ҳамма техника воситалари бор. Фермернинг остида янги «Дамас», чўнтагида уяли телефон...

— Бу йил 43 гектар ерга «Бухоро-6» навининг чигитини эккан эдик, ҳосил жуда яхши бўлди, — деди у. — Қабул пунктига 200 тонна пахта топширдик. 45 гектар ғаллазордан эса 153 тонна дон олгандик, яна 30 гектар ерга ғалла экиб қўйдик. «Умманка» навидан. У юқори ҳосил беради.

Алиқулнинг айтишича, унинг қарамоғидаги ерларнинг таркиби қумли тупроқдан иборат. Устига устак, ер ости сизот суви яқин, шўрланиш бор. Шунинг учун баъзан ҳамма деҳқонлар учун умумий бўлган талаблар бу фермер хўжалиги даласига тўғри келмайди.

— Шундай пайтда «хўп» деймиз-у, билганимизни қиламиз, — сўзида давом этади фермер. — Деҳқонга эрк берилгани шу-да.

Биз Алиқул фермер яшайдиган Наврўз қишлоғи гузарини кўриб, бу ердаги одамлар шаҳарликлардек яшамоқчи эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Фермернинг ташаббуси ва ҳомийлигида ҳашар йўли билан бунёд этилган икки қаватли улкан бинода пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилаяпти. Унда маҳалла идораси, милиция таянч пункти, чойхона, шунингдек, хотин-қизлар ишлайдиган тикувчилик цехи, маиший хизмат кўрсатиш хоналари, ёшларга мўлжалланган спорт зали бўлади.

Энди мана бу далилларга эътибор қаратайлик. Ҳозирги кунда вилоятдаги фермер хўжаликлари сони 14381 тага етди. Бу йил Қашқадарё воҳасида етиштирилган пахтанинг 68,2 фоизи, ғалланинг 71,9 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳолбуки, уч йил олдин бу кўрсаткич пахтачиликда 19,3 фоизни, ғаллачиликда 18 фоизни ташкил этарди, холос.

Ҳисоб-китобларга кўра, фермер хўжаликларининг вилоят иқтисодиётидаги улуши бундан ҳам салмоқли бўлиши мумкин эди. Афсуски, 675 та фермер хўжалиги дон сотиш бўйича шартномавий мажбуриятини бажармади, пахтачиликда эса бундай фермерлар 300 дан ортиқдир. Айни пайтда уларнинг фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, фермер хўжаликларини ташкил этиш чоғида тендер комиссиялари томонидан йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, вилоятда яна 39 та ширкат хўжалигини тугатиш, уларнинг ўрнида янги фермер хўжаликлари тузиш кўзда тутилмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам, йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариш ғоят муҳимдир.

Мақоламизнинг бошида Абдуғофур Аҳмедов бошлиқ фермер хўжалиги ҳақида сўз юритган эдик. Эндиликда у ҳам тажрибали, обрўли фермер ҳисобланади. Даласида иккита трактор ишлаяпти. Бир пайтлар унинг фермер бўлишига қаршилик кўрсатган турли даражадаги амалдорларнинг кўпчилиги ҳам ҳозир ер олиб, деҳқончилик билан шуғулланмоқда. Хусусан, Абдуғофурнинг ёнига хўжаликда бош ҳосилот бўлиб ишлаб келган укаси Зариф ҳам қўшилди. Саксон ёшни қоралаган Дўсман бобо эса от миниб, фермер ўғилларининг ерини айланади, маслаҳат беради. Негаки, улар келгуси йилда ғалладан 60, пахтадан эса 50 центнердан ҳосил етиштиришмоқчи. Шунча хирмон яратишнинг ўзи бўлмайди-да!

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

***2004 йилнинг 28 октябрида Москвада очилган «Ўзбек болалар ва ўқув адабиёти» кўргазмаси давом этмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон давлат болалар кутубхонаси директори Ф. БУХАРОВА хабар беради:***

# Болалар китоблари кўргазмаси

— Шу йилнинг май ойида Тошкентда бизнинг кутубхонамизда «Россия болалар ва ўқув адабиёти» кўргазмаси ўтказилган эди. Мазкур кўргазмада Россияда фаолият кўрсатаётган нашриётларнинг 400 дан зиёд китоблари тақдим этилган ва кутубхонамизга совға қилинган.

Бунга жавобан ташкил этилган «Ўзбек болалар ва ўқув адабиёти» кўргазмаси россиялик ҳамкорларимизга манзур бўлди. У Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, республикамизнинг Россиядаги элчихонаси ҳамда кутубхонамиз томонидан уюштирилди. Очилиш маросимида турли расмий ташкилотлардан вакиллар, рус болалар ёзувчилари, шоирлари ва рассомлар ҳамда Москва шаҳри ўқувчилари иштирок этди.

Кўргазмага республикамизнинг 11 та нашриётида чоп қилинган 300 дан ортиқ асарлар қўйилган. Ғафур Ғулом, Чўлпон номидаги, «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Маънавият» ва «Адолат» нашриётларида чоп этилган китоблар кўргазма қатнашчилари ва меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Улар бадиий, илмий-оммабоп, насрий ва шеърий, классик ва замонавий, қайта нашрдан чиққан ва янги ҳамда энциклопедик тарзда, турли мавзу, жанрларда бўлиб, болалар адабиётининг бугунги ҳолатини ҳаққоний равишда акс эттиради. Шунингдек, кўргазмада «Тонг юлдузи», «Класс» газеталари, «Ғунча», «Гулхан» журналлари, ёш истеъдодларнинг гўзал ўзбек диёри ва бахтли болаликни тасвирлаб чизган расмлари ҳам намойиш этилмоқда. Тадбирнинг мароқли ўтишига «Томоша» болалар дастаси иштирокчилари ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистондан олиб борилган китоблар Россия давлат болалар кутубхонасига тортиқ этилади.

Ўйлаймизки, кўргазмалар алмашувини анъанага айлантириш, икки халқ болалар кутубхоналари, нашриётлар ва китоб тарқатувчилар ўртасида алоқани кучайтириш, тажриба алмашишдек мақсадимиз ўз самарасини бериши шубҳасиз.

***«Халқ сўзи» мухбири***
**Г. ЙЎЛДОШЕВА**
***ёзиб олди.***

**«ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ»**
**ИЛМИЙ ТЕХНОЛОГИК КОМПЛЕКСИ**

**2004 йил учун докторантура ва аспирантурага қабул эълон қилади**

**ДОКТОРАНТУРА**

Композицион материаллар кимёси ва технологияси — 1 ўрин.

**АСПИРАНТУРА**

- полимерлар физикаси — 1 ўрин;
- юқори молекуляр бирикмалар кимёси — 1 ўрин;
- композицион материаллар кимёси ва технологияси — 1 ўрин;
- силикатли ва қийин эрувчи нометалл материаллар технологияси — 1 ўрин.

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.*

*Манзил: Тошкент ш., Мирзо Ғолиб к., 7-а уй.*
*Телефонлар: 46-39-28, 46-53-35.*

1006TR/2527

**Диққат !**
**«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»**

*Ҳурматли ҳамюртлар !*

**Маълумки, қиш фасли, бошқа даврларга нисбатан, фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжлари ошиб бориши билан ёнғин хавфи ҳам кескин ортишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 октябрдаги 622-Ф-сонли фармойишига асосан, бундай ҳолатнинг олдини олиш учун республикада 10 ноябрдан 10 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Ойликни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этишдир.**



*Азиз ватандошлар !*

**Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.**

1007AR/2550

**«СОВУТГИЧ» ЁТҲЖ**

**барча турдаги автомобиллар ички ёнув двигателларини совутиш учун мўлжалланган юқори сифатли**

**«АНТИФРИЗ» - ГА-39» ни**

**чекланмаган миқдорда сотади.**



**Манзил: Тошкент ш., А.Икромов тумани, ҳалқа йўли, саноат зонаси. «Равшан» автокорхонаси ичида жойлашган.**
**Тел.: 47-53-45, 47-03-06.**




# Ва арз

## ёки «ҳожатбарор» тадбиркорнинг ўнлаб оилаларни бошпанасиз қолдирганлиги хусусида

қадар Спитамен кўчаси, 9-уйдаги хонадонини «олди-сотди» шартномаси билан Когайга қўш қўллаб топширади. Охир-оқибат кўз ёши тўкканча бўзлаб қолаверади...

2001 йилнинг 9 мартида фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судида бир иш кўрилади. Иш бўйича жавобгарлар — Файзуллаев Шукрулло, Рихситилла, Хуршид, Дилором. Даъвогар эса Света Когай. Суднинг ҳал қилув қарорини ўқиган киши Когайнинг қарз бериш эвазига ўнлаб оилаларни хонавайрон қилиб, юзлаб одамларни зор қақшатганига гувоҳ бўлади.

Биз ҳозир айтган ишдаям ака-ука Файзуллаевлар Когайдан олган қарзларини тўлаш учун суддан вақт сўраганларича қолавердилар. Улар уйларидан суднинг ҳал қилув қарори билан кўчириладилар.

«Ҳожатбарор» Когайдан қарз олиб, охир-оқибат бошпанасиз қолганлар бисёр. Шу ўринда бу аёлнинг устамонлигини айтиб ўтмаса бўлмас. Унинг ҳамма мижозлари газеталардаги эълонни ўқиб, муҳтожликдан мурожаат қилишган. Хоҳ у ногирон, хоҳ камбағал, хоҳ бирор мақсадни кўзлаган бўлсин, барчасига фоиз ҳисобига қарз беради. Судхўрлиги етмагандек, «Гаров шартномасининг бож тўлови қиммат бўлади», деган баҳонада мижозларининг уй-жойини «олди-сотди» шартномаси билан қонунлаштириб олади. Мижозининг карахт бўлиб қолганидан фойдаланиб, бирон энлик қоғоз ҳам бермайди. Қисқаси из қолдирмайди.

Шу тариқа фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда Когайнинг «сотиб олган уйидан» илгариги эгаларини мажбуран кўчириш ёки фуқароларнинг Когай билан бўлган «олди-сотди» шартномасини ноқонуний деб топиш ҳақидаги қарши даъволари қарийб бир вақтнинг ўзида кўрилаверади. Қайсидир судда Когайнинг даъвоси қаноатлантирилган бўлса, баъзиларида жабрдийдаларга гўё адолат қилинади.

Шикоят хатини ўрганиш чоғида маълум бўлдики, «фаолияти»ни юритаётган Когай мижозларидан бири — Виктор Колесниковдан панд ейди. Сабаби — Виктор пишиқлик қилади. Когайнинг ҳаракатларидан шубҳалангани боис у билан қарзни, фоизини қайтаришга оид телефондаги сўзлашувларини диктофонга ёзиб олади. Устига устак, Викторда Когайдан қарз олганлигини тасдиқловчи яна бир ҳужжат бор. Бу ҳужжат Когай унга Корея Республикасидан юборган 20 минг АҚШ долларининг банкдаги маълумотномасидир. Чирчиқ туманлараро суди, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди ушбу ҳолатларни инобатга олиб, Когайнинг Колесниковлар оиласини уй-жойдан кўчириш ҳақидаги даъвосини рад этади. Бироқ фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатининг 2004 йил 10 июндаги ажримига кўра, юқоридаги ҳал қилув қарорлари бекор қилинади. Ва яна Когайнинг даъвоси қаноатлантирилади.

Халқимизда «қўли узун», деган ибора бор. Бу гап Когайга ҳам мос. Ишонмасангиз, эшитинг. Когай Колесниковларни уйдан кўчиришга оид даъвоси рад этилганидан кейин Тошкент вилояти судининг қарорига норозилик билдириб, апелляция шикоятини беришга тайёргарлик кўради. Бунга адвокат Любовь Магайни ёллайди. Ва унга ўзининг шахсий уйидан қариндошларини чиқара олмаётганини айтиб, ишонтиради. Шундан кейин Магай «дело»ни ўрганишга киришади. Қарасаки, мижозининг айтганлари ёлғон. «Дело»да Колесниковнинг диктофондаги ёзуви ва бошқа ҳолатлар Когайнинг ноҳақлигидан далолат берарди. Боз устига, адвокат ўз мижозининг кўзи ожиз, ёлғиз одамларга кўмак бериш баҳонасида уларни хонавайрон қилаётганлигидан хабар топади. Бу пасткашликдан виждони қийналган Л. Магай ишга қатнашишдан бош тортади. Сўнг ўжарлигининг жабрини тортади. Боя айтганимиздек, қўли ҳар жойга етадиган Когай адвокатга кимлигини кўрсатиб қўяди. Яъни қадрдонлари орқали С. Магайнинг адвокатлик фаолиятига оид лицензияни бекор қилдиради. Чорасиз қолган Магай у ёққа ёзиб, бу ёққа учраб, ҳақлигини исботлагунча адои тамом бўлади.

— Ишдан бош тортганимдан кейин Когай оиламга таҳдид сола бошлади. Тинчимни йўқотиб қўйдим. Адвокатлик фаолиятим тўхтатилди. Жабрдийдага айландим-қолдим. Шунда Когай менга минг доллар тавсия қилди. Бу макорликнинг оқибати ёмон тугашини сезиб, Мирзо Улуғбек тумани прокурори ва ИИБга мурожаат қилдим, — дейди С. Магай. — Тергов-суриштирув ишлари бошлангунга қадар милициянинг тезкор ходимлари Когайга нисбатан маъмурий материал тўплашади. Қарангки, участка нозирининг совуққонлигидан Когай яна устамонликча фойдаланади. Яъни нусха олиш баҳонасида инспектордан тўпланган ҳужжатларни олади ва гум қилиб юборади.

Шу ўринда яна бир масалага ойдинлик киритишга тўғри келади. Хўш, Когайнинг берган қарзлари қайтганми ёки йўқми? Айтиш жоизки, аксарият мижозлар вақтида, айримлари сал кечикиб қарзини узганлигини тасдиқловчи гувоҳлар етарли. Масалан, Колесников, Юсуповлар қарзни «пеня»си билан тўлагани рост. Энг ачинарлиси, қарз кўтарганларнинг бариси уйини гаровга қўйган каби ҳаракат қилган. Лекин бу ҳолат шу чоққача вазиятни ўзгартирган, ўнлаб хонадонларга даъвогарлик қилган Когайнинг даъвоси асоссиз, деб топилишига сабаб бўлган эмас.

Тўғри, биз юқорида айтиб ўтган жабрдийдаларни ёқлаб, суд қарорларига Тошкент шаҳар прокурори томонидан протестлар киритилди. Лекин суд бу ҳолатларни асоссиз, деб топди. Ваҳоланки, Олий суд пленумининг уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида 2001 йил 14 сентябрдаги қарорида уй-жойларга нисбатан «олди-сотди» шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш даъволари бўйича суд ишларни кўришда битимлар мулкдорларнинг эрки ва хоҳишига кўра амалга оширилганлигини эътиборга олиши лозимлиги уқтирилган. Агар шартнома тарафлар ўртасида бўлган қарзнинг эвазига амалга оширилган бўлса, бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб топилиши, тарафлар ўртасида бўлган муносабатлар қарз шартномаси мажбуриятларидан келиб чиқадиган қоидалар тартибида ҳал этилиши тушунтирилган.

Қўлимиздаги рўйхатга яна кўз югуртирамиз. Уйсиз қолган, қарз олмайин ҳар бало бўлай, деб юрган жавобгарларнинг сони ўндан ортиқ. Улар турли ёшдаги кишилар, турли касб эгаларидир. Даъвогар эса битта — Света Когай. Қизиқ, нега энди у одамларни алдаб, бўзлатиб, лақиллатиб давру даврон суриб юриши керак? Нега?

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**2005 ўқув йили учун кундузги аспирантурага қабул эълон қилади:**

**170007 — музейшунослик — 2 ўрин;**
**170008 — маданият назарияси ва тарихи — 2 ўрин.**

***Аспирантурага ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатгача қабул қилинади.***

**Мурожаат учун телефон: 132-17-65.**
**Манзилимиз: Тошкент ш., Содиқ Азимов к., 35-уй.**

1007BR/2524

BANK
**ХАЛҚ БАНКИ —**
**СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !**

«ЎЗТАДБИРКОРБАНК»

1. “Ўзтадбиркорбанк”нинг миллий валютадаги пластик карточкаси сизнинг ҳамёнингизни тўлдирувчи ягона тўлов хизмат туридир.

2. Пластик карточкангизга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказишингиз ва устама ҳақлар олиш имконияти мавжуд.

3. “Ўзтадбиркорбанк” миллий валюта сўм пластик карточкаси эгалари учун карточкада мавжуд бўлган қолдиқ суммага ҳар ойлик устама 2 фоиз, йиллик капитализация ҳисобига 24 фоиз устама даромад тўланишига кафолат беради.

4. Пластик карточкадан фойдаланиш учун сиз ўзингиз танлаган ва пластик карточка хотирасига киритилган паролдан фойдаланасиз ҳамда пластик карточкага доир маълумотлар сир сақланади.

5. Сўм пластик карточкасига эга бўлиш учун шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда банк бошқарувчиси номига ариза билан мурожаат қилсангиз, банк маъмурияти сизнинг мурожаатномангизга асосан пластик карточкангизни расмийлаштириб беради.

6. Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини ҳам пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.

7. Республика миқёсида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига



ўрнатилган терминаллар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Сўм пластик карточкаси орқали нақд пулсиз коммунал хизматлар учун тўловни ҳам амалга оширишингиз мумкин.

8. “Ўзтадбиркорбанк” сўм пластик карточкангизнинг ҳисоб рақамига республиканинг исталган бурчагида ҳар қандай банкдан туриб ҳам топшириш орқали жамғармангизни кўпайтиришингиз мумкин.

9. Пластик карточкангиздаги маблағларни истаган вақтда республика бўйлаб ўрнатилган барча банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.

10. “Ўзтадбиркорбанк” сўм пластик карточкангиздаги маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

11. Товарларни сотишда, хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

*Ўз имкониятингизни қўлдан бой бермай, “Ўзтадбиркорбанк” пластик карточкасига эга бўлинг!*




**БИЗНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАМИЗ — СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА !**

**Маълумот учун телефонлар: 136-28-29, 136-28-23.**

*Азиз юртдошлар !*

**Акционерлик-тижорат «Ўзтадбиркорбанк»и сизларга юқори даромадли омонат турларини таклиф этади**

Сиз ўз сармоянгизни бир ойдан уч йилгача бўлган муддатга жойлаштириб, йиллик 30 фоиздан 36 фоизгача даромад олиш имкониятига эга бўласиз.

Ушбу омонатлар сизнинг даромадингиз манбаидир.

Банкка қўйган пул маблағларингиз декларация қилинмайди ҳамда унинг ҳимояланиши Ўзбекистон Республикаси қонуни билан кафолатланади.

**Мурожаат учун телефонлар: 136-03-58, 133-18-25.**

10086Р/2549

**«ЎРТА ОСИЁ ТРАНС» ХАН ДАК**

**барча юртдошларимизни улуғ айём —**

**Рамазон ҳайити**

**билан муборакбод этади!**



*Сизларга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Ватанимиз истиқболи порлоқ, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлиши, ушалмаган орзуларингиз амалга ошишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз.*



# Шунчалик бепарвомизми?

***Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни матбуотда ўқиб, телевизорда кўриб, радиода эшитиб, сесканиб кетасиз:***

***— Бозор майдонидаги савдо биноси қулаб тушди. Натижада 20 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 дан ортиқ одам турли даражада тан жароҳати олди... Охирги текширув натижаларига кўра, бинонинг қулаб тушишига хоналарнинг бирида рўй берган кучли портлаш сабаб бўлган...***

***Одамлар серқатнов жойда оддий бўш қоғоз қути қолдирилди ва кузатиш бошланди.***

***Биринчи бўлиб у олтмиш ёш атрофидаги кампирнинг диққатини тортди. У атрофга аланглади, ҳеч ким унга аҳамият бермаётганига ишонч ҳосил қилгач, шаҳдам бориб қутини қўлига олиб очди! Ҳеч нарса йўқлигини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди, ерга ташлади.***

***Ўспирин йигит эса, ҳеч нарсадан ҳайиқмай, қутини футбол тўпидай тепиб, четга чиқариб ташлади.***

Радио эса бот-бот такрорламоқда: "Эгасиз қолдирилган халта, қути ёки бирор буюмга кўзингиз тушса, дарҳол қўнғироқ қилиб, тегишли ташкилотга хабар беринг!" Бу лавҳа барча транспорт воситаларига ҳам осиб қўйилган.

Қовун солинган халта автобусда қолдирилди. Ўн беш, йигирма дақиқа ичида унга ҳеч ким яқинлашмади. Ниҳоят... Бир эмас, икки аёл ва эркак унга баравар ёпишди.

— Ҳа? — деди аёл қошини беўхшов чимириб.

— Менинг сумкам! — эркак халтани ўзи томон тортди.

— Нимага сеники бўлар экан? Бозордан келяпман майда-чуйда олиб. Халтамни бу ерга қўйиб, ҳов анови ерда ўтириб кетаётгандим, энди бу сеники бўлиб қолдими? Бозорлигимга эга чиқиб қолибдида, а? Қўйвор! — аёл бўш келмади. — Бўлмаса, ҳозир бақираман, мелиса чақираман!

Эркак бўшашди. Қўл силтаб автобусдан тушиб кетди. Аёл эса ўзича эркакни қарғаб-қарғаб халтани очди. Қовун! Хайрият ҳам қовун эди!

Телевизорда эса фожиа тасвирлари кўрсатилиб, улар кенг шарҳланмоқда:

— Йўналиш бўйича қатнаётган автобус ағдарилиб кетди. Ҳалок бўлган, жароҳатланганлар сони ҳозирча аниқлангани йўқ. Маълумотларга қараганда, портлашга номаълум шахс томонидан қолдириб кетилган қўлбола портловчи мослама сабаб бўлган...

* * *

Метро бекатида худди юқоридагидай "унутиб қолдирилган" сумка отахонни сескантирди. У атрофга аланглади. Метронинг чиқаверишида турган милиционер томон юрди.

— Сумка? Қанақа сумка? Ичида нима бор экан? — сўради милиционер энсаси қотиб.

— Билмадим, ўғлим.

— Олдин очиб кўрмайдими, одам, ваҳима қилмасдан! Юринг-чи, очиб кўрайлик-чи!

Очишди, кўришди!

— Ҳаммаси эски-туски уст-бошлар экан-ку, отахон?

— Шунисига ҳам шукур қил, ўғлим. Яхшиям эски-тускилар экан!

* * *

Болаларнинг кўзи чиройли ленталар билан боғланган қутичага тушди. Талашишни бошлашди. Боғча опалари аралашди:

— Алишер! Шаҳло! Тегма! Жойига қўй! Ким олиб келди? — опа аввал болаларга сўнг ҳамкасбига юзланди. — Лайло, кимнинг туғилган куни бугун? Бирортасининг ота-онаси совға-салом ташлаб кетибди, шекилли.

— Билмадим. Ҳозир рўйхатга қарайман, сен қутини очиб тур, ичида нима бор экан?!

* * *

Ҳовлида қолдирилган юк машинасини биринчи бўлиб мактаб раҳбари пайқади. Аммо...

— Хўжалик мудири бирор нарса олиб келгандир-да, — деган гап хаёлидан ўтиб, бошқа ишларига андармон бўлиб кетди. Машинани буткул унутди.

## Огоҳлик

Хўжалик мудири машина олдидан бепарво ўтиб кетди. Ўқитувчию, тарбиячилар унга аҳамият ҳам беришмади: "Кўпчиликнинг жойи бўлса: биров келади, биров кетади. Бирортасининг отаси келгандир..."

Машина тураверди. Тушгача турди... Унга ўқувчилар аввал қўрқа-писа, сал ўтмай, дадил яқинлашишди. Олдинига атрофида қувлашмачоқ ўйнашди, сўнг устида, остида ўйинни давом эттиришди. Бир-икки паҳлавон эса кабинасига чиқиб, машинани ҳайдашга ҳам уриниб кўрди.

Ҳамма-ҳамма жойга "Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик!", "Огоҳлик — давр талаби" каби лавҳаларни осиб қўйганмиз. Йиғилишларимизнинг бош мавзуси ҳам — огоҳлик. Аммо амалда...

Худо кўрсатмасин, дейсиз дарҳол.

Кўрсатмасин!

Лекин кўрсатмаслиги учун ҳар биримиз оз бўлса-да ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Шу юрт, шу замин шундайлигича ўзимизники, ўғлимиз, қизимиз, набираю эварамизники, уни асраш — уларни асраш эканлигини юрак-юракдан ҳис қилиб, бепарволикни сал четга суриб, атрофга уйғоқ нигоҳ ташласак, бизнингча, бу ўлкамиз тинчлигига қўшган ҳиссамиз бўлади.

Биз буларни ҳаводан олиб ёзмадик. Кимки бизга ишонмаса, тажрибани қайта ўтказиб, исботлаб беришимиз мумкин.

Аслида гап тажрибадами?

**С. МУҚИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



*Янгийўлликлар ниёзбошилик темирчи уста Турсунмуҳаммад Зокиров номини ҳурмат билан тилга олишади. Боиси — у ясаган рўзғор буюмлари сифатли ва кўркамдир. Ёнига иш билан келган одамни очиқ чеҳра билан қарши олиш эса Турсунмуҳаммаднинг энг аъло фазилатидир, дейишади ҳамқишлоқлари у ҳақида.*

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

# Осори-атиқалар тўплангандa...

***Ўзбекистон Давлат санъат музейи ташкил топганида бисотида бор-йўғи беш юз осори-атиқа бор эди. Орадан 85 йил ўтди. Унинг бугунги кундаги хазинасида эллик мингга яқин ноёб дурдона жамланган. Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида бу масканда Ўзбекистон санъати, рус, хорижий Шарқ ва Ғарбий Европа мамлакатлари санъати асарлари тўпланди.***




## Ноёб хазина

Шуни таъкидлаш жоизки, бундай хилма-хил ва ноёб хазина жамламаси Марказий Осиёдаги бирон бир музейда йўқ.

Ана шу маданий бойликларни тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида яқинда "Ўзбекистон Давлат санъат музейи" деб номланган мажмуа нашрдан чиқди. Очиғи, бундай катта ҳажмдаги тўплам музей ҳаётида илк бор тайёрланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмаги ҳамда музей директори Н.Иброҳимова раҳбарлиги остида тайёрланган мазкур тўплам ўзининг ҳажми, безаги, матнларнинг лотин алифбосида, рус ва инглиз тилларида берилиши билан ҳар қандай китобхон фойдаланиши учун қулайдир.

Мажмуани варақлар экансиз, дастлаб музейнинг бой хазинаси ҳақида кенг маълумотга эга бўласиз. Ўзбекистон санъати, хорижий Шарқ мамлакатлари, Ғарбий Европа ҳамда рус санъати асарлари — 250 га яқин расмларни томоша қилиб, музей залларида юргандек ҳис этасиз ўзингизни. Каталог тузувчи С.Манасян ва уни тайёрлашда иштирок этганлар тўплам охирида ҳар бир асарнинг муаллифи, расмлар ҳақида алоҳида маълумотлар беришган. Бундай ноёб маданий бойликларимиздан нафақат мамлакатимиз аҳли, балки хорижий давлатлар санъат шайдолари ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин. Бу эса Ўзбекистон Давлат санъат музейи хазинасини дунё аҳлига таништиришда бир воситадир.

**У.ФАЙЗИЕВА.**

## *Сурхон илҳомлари*

Холбой Ҳасанов — Сурхон кенгликлари, такрорланмас, гўзал ва фусункор табиатидан илҳомланиб ижод қилаётган мўйқалам соҳибларидан бири. Ватан, она табиат, меҳр-мурувватли кишилар ҳақида ҳикоя қилувчи мой-бўёқ асарлар унинг ижодида бош мавзу ҳисобланади. Куни кеча вилоят маркази — Термиз шаҳридаги кўргазмалар залида мусаввирнинг "Бўёқларда Ватан жилоси" деб номланган кўргазмаси очилди.

Олтмишдан зиёд энг сара асарларни ўз ичига олган ушбу кўргазма барчага манзур бўлаётир.

## *Ҳамширалар ичра ягона*

Фарғонадаги «Кимёгар» маданият саройида «Ҳамшира-2004» кўрик-танловининг вилоят босқичига якун ясалди.

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган ҳамшира қизлар тиббиёт амалиёти ва эркин мавзулардаги бир неча йўналишларда ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди, дея хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири Расул Камол.

Танловда республика Шошилинч тиббий маркази Фарғона филиали операция бўлими ҳамшираси Зилолахон Раҳмонова мутлақ ғолиб бўлди. Энди у танловнинг республика босқичида фарғоналик ҳамшира қизлар шарафини ҳимоя қилади.

## МАДАНИЯТ янгиликлари

### *«Умр шомидаги бахт»*

***Ўзбек миллий академик театрида "Умр шомидаги бахт" спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудова қаламига мансуб ушбу асарда икки қариянинг умри поёнидаги ҳаёти акс эттирилган.***

***Кексайганда инсон учун нима керак? Меҳр ва яна меҳр! Спектаклни томоша қиларкансиз, инсон учун моддий бойликдан кўра, маънавий бойлик, меҳр-оқибат нақадар зарур эканлигига амин бўласиз.***

***Спектаклдаги асосий ролларни элимизнинг севимли актёрлари П. Носиров, Г. Иброҳимбекова, М. Иброҳимова, Ф. Маъсудов ва бошқалар талқин этишган.***

### *«Меҳрингга тасанно, Меҳржон»*

***Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов "Меҳрингга тасанно, Меҳржон" деб аталди. Миллийликка, боқий удумларимизга бўлган ҳурмат, она табиатга бўлган эътибор танловнинг асосий шартларини ташкил этади. Уч босқичда ўтказилган беллашувда "Олтин куз", "Нафосат", "Гўзаллик", "Жозиба", "Моҳир қўл" йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланиб, улар ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.***

***Туман халқ таълими бўлими ва Ўқувчилар ижодиёти маркази тадбир ташкилотчилари бўлишди.***

### *«Самарқанд эртаклари» Германияда*

***Германиялик китобхонлар ўзбек эртаклари билан дастлаб "Туркистон", "Тибет" эртаклари тўплами орқали танишган эдилар. Бу нашрлардан 20 та ўзбек эртаги ўрин олган эди. Ўзбек халқ эртакларини немис тилига ўгириш ва тарғиб қилишда Хуррам Раҳимовнинг немис фольклоршунос олимаси Габриела Келлер билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Олима Самарқандда бўлиб, қариялардан эртак ва лапарлар, халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олди. Бу изланишлар самараси ўлароқ, "Самарқанд эртаклари" тўплами яратилди.***

***Немис китобхонлари томонидан илиқ кутиб олинган ушбу асар айни пайтда учинчи бор нашр этилаётир.***

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!** Товар сертификатланган

**РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!**

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

«ГАЗ-31105» «ИЖ-2717», «ВАЗ-2106» «ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

**O'ZSANOATQURILIShBANK**
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади!
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР Micros® CAS
КАФОЛАТ МУДДАТИ 2 ЙИЛ
Ҳар қандай кўринишдаги электрон ТАРОЗИЛАР
Биз бутун жаҳонни ўлчаймиз
Товар сертификатланган
САВДО УЧУН
ЕРГА ЎРНАТИЛАДИГАН
КРАНЛАР УЧУН
ЛАБОРАТОРИЯ УЧУН
МАХСУС ПЛАТФОРМАЛИ
ОМБОРХОНА УЧУН
АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРОЗИСИ
e-mail: scales@ucd.uz web-site: www.ucd.uz
700060, Тошкент, С. Азимов кўч, 72а Тел.: (371) 133-85-77, 120-68-61 132-06-61; факс: (371) 132-06-85
Мовароуннаҳр кўч, 19 Тел.: (371) 133-53-79

**БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**
*қабул комиссияси*

**2004-2005 ўқув йили қабулида тест синовлари натижасига кўра таълим тили ва йўналишлари бўйича шартнома асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлардан бўш (вакант) қолган ўринларга Давлат тест маркази қайдномасида навбатда турган ва энг кўп тўплаш мумкин бўлган баллнинг камида 25 фоизи (56,7 балл)ни тўплаган ҳамда шартнома асосида ўқиш истагини билдирган абитуриентларни қуйида келтирилган танлаган йўналишлари бўйича ариза билан қабул комиссиясига мурожаат этишларини сўраймиз.**

Таълим шакли — кундузги, таълим тили — ўзбек

| Код | Таълим йўналишлари |
|---|---|
| 1001 | Бино ва иншоотлар қурилиши; тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси |
| 1003 | Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси; тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси |
| 1042 | Касб таълими (техник соҳалар) |
| 1047 | Озиқ-овқат технологияси |
| 1052 | Нефть ва газ иши |
| 1056 | Технологик машиналар ва жиҳозлар |
| 1057 | Касб таълими (озиқ-овқат технологияси; тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси; нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси) |

Таълим шакли — кундузги, таълим тили — рус

| Код | Таълим йўналишлари |
|---|---|
| 2001 | Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси |
| 2003 | Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси |
| 2042 | Касб таълими (техник соҳалар) |
| 2052 | Нефть ва газ иши |
| 2057 | Касб таълими (нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси) |

Таълим шакли — махсус сиртқи, таълим тили — ўзбек

| Код | Таълим йўналишлари |
|---|---|
| 1042 | Касб таълими (техник соҳалар) |
| 1057 | Касб таълими (озиқ-овқат технологияси) |

*Жадвалда келтирилган йўналишларга ҳужжат топширган абитуриентларни институт ректори номига ёзма ариза билан 2004 йил 15 ноябргача шахсан мурожаат этишлари ва шартнома пулини тўлашлари сўралади. Охирги муддат — 2004 йил 15 ноябрь.*

Бизнинг манзил: Бухоро шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй, институтнинг 1-ўқув биноси, қабул комиссияси. Телефонлар: 223-73-97, 223-74-52.

Товар сертификатланган
"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ
Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган АВТОМОБИЛЛАР ва ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК техникаларининг ғилдиракларини таклиф қилади.
Пул ўтказиш йўли билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади
Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26
Тел./факс 77 1451, тел. 79 9468 103 7234, 333 6421

**ЎЗБЕКИСТОН ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**
*«Селекция ва уруғчилик» мутахассислиги бўйича 2004-2005 ўқув йили учун*
**АСПИРАНТУРАГА**
*ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда танлов эълон қилади.*
*Ҳужжатларни қабул қилиш — 2004 йил 20 ноябргача.*
Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 702147, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, «Университет» кўчаси, ЎзҒСУИТИ. Тел.: 162-12-60, 63-89-69.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.40 123 56